



Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳару қишлоқларимизда замонавий иншоотлар, турар-жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Бу юртимиз кўркіга кўрк қўшиб, турмушимиз янада обод бўлишига хизмат қилмоқда.

Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида барпо этилган Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ўз ичига олган "Маърифат маркази", Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темури хиёбони, "Бунёдкор" спорт мажмуаси сингари кўплаб иншоотлар мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин намоёнидир.



ОБОДЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари жараёнида доимо инсон манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, аҳолининг яшashi, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар муҳаб этилмоқда.

Бу "Обод турмуш йили" Дав-

лат дастурида белгиланган ва- зифалар амалий ижроларидан бири бўлиб, айнан шундай ишлар мамлакатимизнинг бош- қа ҳудудларида ҳам кенг кулоч ёйган. Жумладан, Андижонда юз кўрсатаётган ўзгариш ва янгиланишлар жараёни ҳар қандай кишининг ҳавасини кел- тиради. Айниқса, кейинги ўн йилда шаҳарда кўплаб янги- янги корхоналар, турар-жой

бинолари фойдаланишга топ- ширилди. Кенг ва раён йўллар, таълим ва соғлиқни сақлаш му- ассасалари, спорт мажмуала- ри, стадионлар, боғ ва хиёбон- лар бунёд этилди. Замонавий иншоотлар шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Айни кунларда шаҳарнинг Алишер Навоий шоҳқўчаси, Ўзбекистон, Бобуршоҳ кўчалари ва яна 14 кўчада қурилиш-

бунёдкорлик ишлари олиб бо- рилмоқда. Шаҳарнинг бош кўчаси — Алишер Навоий шоҳ- қўчасида кўп қаватли 16 уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, мустақиллик байрами арафасида унинг олтигаси фойдаланишга топширилди. Миллий тикланиш ва Истиқлол кўчаларида бунёдкорлик иш- лари якунига етди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Тинчлик ва омонлик — фаровонлик кафолати

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Тинчлик ва омонлик. Бир қарашда, оддий бўлиб кўринадиган ушбу икки калима замирида ривожланиш, тараққиёт ва фаровонлик тушунчалари мужассам. Шу боис нурунийларимиз дуога қўл очишганида, оналаримизга, маҳалламизга, юртимизга, бутун дунёга тинчлик ва омонлик тилашни қанда қилишмайди. Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ушбу ҳаётини ҳақиқатни яна бир бор ёдимизга солиш орқали тинчликни таъминлашга ҳар биримиз масъул эканимизни алоҳида таъкидлади.

Хусусан, "...халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айлан- иб кетган "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истар- дим", деб барчамизни яна- да огоҳ бўлишга чорлади. Бу бежиз эмас, албатта. Нега деганда, бугун дунёнинг тур- ли минтақаларида рўй бер- раётган ноҳус воқеаларнинг оқибатларини, ҳимоясиз қолган гўдақларнинг кўз ёши, оналарнинг фарёди ва

вайронагарчиликларни кўриб, билиб турибмиз. Энг ёмони, бу ҳудудларда тинч- ликни қарор топтириш осон кечмаяпти. Шунинг ўзиёқ бизни ҳушёр ва огоҳ бўлиш- га ундайди.

Бунинг устига, тинчлиги- мизга таҳдид солиши мум- кин бўлган хавф-хатарлар мавжудлигини инобатга ол- сак, бу даъват замирида не- чоғли катта ҳикмат мужас- сам эканлигини чуқур ан- глаб етамиз.


(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Экологик назорат

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

Мамлакатимизда юртимиз тинчлиги ва тараққиёти, халқимиз фаровонлигига эришиш йўлида кенг кўламли ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий янгиланиш стратегияси бошқичма-бошқич амалга оширилаётир. Давлат ва жамият қурилиши тизимида "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ҳаётга изчи татбиқ этилаётгани муваффа- қиятлар омили бўлмоқда.



Таъкидлаш керакки, хавфсизлиги табиий эко- барқарор ривожланиш, тизимларни сақлаб аҳоли саломатлиги ва қолиш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, Президентимизнинг "Ўзбекистон

XXI аср бўсағасида: хавф- сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида таъкидланганидек, табиат ва инсон ўр- тасидаги қонун билан бел- гилаб берилган муноса- батларнинг бузилиши ўнглаб бўлмайдиган эко- логик фожиаларга сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам хўжа- лик фаолиятини режалаш- тириш ва амалга ошириш- да табиат қонунларини ҳисобга олиш ҳамда улар- га амал қилиш экологик мувозанатни сақлашнинг муҳим шартларидан бири саналади. Бу борада мам- лакатимизда кўплаб ти- зимли ишлар амалга оши- рилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда аҳолининг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, жамият ва давлат манфаатларини ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза этиш энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шу мақсадда барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга жорий этилмоқда. Чунинчи, маъмурий назорат ҳам жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган таъсир чораларидан бири саналади.

Mezon

Маъмурий таъсир чораси

ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга хизмат қилади

Бу борада "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўша- тилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъму- рий назорати тўғрисида"ги қонун қабул қилинган бўлиб, унга кўра, маъмурий назорат тарбиявий ва жиноят содир

этишнинг олдини олишга қаратилган таъсир чоралари йиғиндиси бўлиб, назорат ос- тидаги шахсга нисбатан маъ- мурий чеклашларни тадбиқ этишдан иборатдир.

Qonun ko'magi

Даъво аризалари қаноатлантирилди

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар самарадорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг биргина тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали тиклаш борасидаги ишларнинг кенгайгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Жумладан, Бош қомусимизнинг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

Айтиш керакки, фуқаро- ларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилишда судлар ҳам муҳим ўрин тутлади. Аниқ- роқ айтганда, судлар Меҳ- нат кодекси ва Олий суд Пленумининг "Судлар то- монидан меҳнат шартно- маси (контракт)ни бекор қилишни тартибга со-

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи

қонун билан кафолатланган

лувчи қонунларнинг қў- ланиши ҳақида"ги қаро- ри талабларига қатъий риоя этган ҳолда меҳнат низоларни ҳал этмоқда. Меҳнат низолари билан боғлиқ ишларни қонуний муддатда кўриш ва адолат- ли ҳал қилув қарори қабул қилиш учун, аввало, судья ишни судда кўришга етар- лича тайёрлаши муҳим аҳамият касб этади. Чунки Фуқаролик кодексининг 131-моддасида меҳнатга доир ҳуқуқий муносабат- лардан келиб чиқадиган

талаблар бўйича қўзғати- лган ишлар, башарти бир туман ёки шаҳарда жой- лашган бўлса, биринчи ин- станция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса, йи- гирма кундан кечиктирмай кўрилиши белгилаб қўйил- ган.

Шунинг учун судья ишни кўришга тайёрлашга кири- шаркан, аввало, тарафлар- ни чақириб, даъвогардан даъво талабларини аниқ-



лаши, жавобгардан даъво аризаси юзасидан эъти- рознома олиши, ишга учинчи шахсларни жалб

этишни муҳокама қилиши, далилларни талаб қилиб олиши керак.

(Давоми учинчи бетда)

